# Smart-Market да маҳсулот ва хизматларни жойлаштириш.

Smart-Marketда рўйхатдан ўтган **таъминотчи** маркетплейсга маҳсулот ёки хизматни жойлаштириши учун дастлаб ўзининг **шахсий кабинети (сотувчи кабинети)** га киради.




- Жараён асосий ойнанинг **“товар ва хизматлар”** бўлимига ўтиб, **“янги маҳсулот/хизмат қўшиш”** тугмасини босиш орқали бошланади.




- Кўринган навбатдаги ойна бу - **6 та устундан иборат маълумотлар жадвали**.




- **Асосий маълумотлар устуни**да - маҳсулот ёки хизмат номи, идентификация коди, тоифаси, ўлчов бирлиги, баҳоси, барча миқдори, энг кам сотиш миқдори ва жами қийматини киритиш керак.

- Кейинги устун - **расмлар.** Эътибор қилинг **расмлар сони камида 3 та бўлади.** Шунингдек, видео-маълумот учун линк қолдирсангиз ҳам бўлади.




- Навбат **техник параметрлар устуни**ни тўлдиришга. Бу устуннинг икки томонига ҳам маҳсулот ёки хизмат ҳақидаги маълумотларни матн кўринишида киритиш керак.




- **Етказиб бериш турлари** устунини тўлдириш учун “**манзил қўшиш”** тугмасини босишдан бошланади.



- Тизим **“омборхона манзили”** бўлимига ўтади ва янги омборхона манзили, унинг маълумотлари тўлдириладиган ойна очилади.




- Омборхонани қўшиш жараёни якунлангач, расмдагидек янги объект пайдо бўлади.




- Энди янги манзилни **етказиб бериш турлари** устунига киритиш керак.



- Кейинги устун - **тўловлар.** Бу устунда жами 4 хил - **оила-кредит, ишончли тўлов, пул ўтказиш ва муддатли тўлов** турлари бор. Харидор тўловни таъминотчи томонидан **белги қўйилган** тўлов тури орқали амалга ошириши мумкин.




- **Муддатли тўловнинг шартлари**ни ҳам таъминотчининг ўзи белгилайди: бунда **муддати, устамаси, бошланғич тўлови ва ойлик суммаси** кўрсатилиши керак.




- Сўнгги устун - **натижа. Киритилган ҳамма маълумотлар бир устунда кўринади.** Жараён **"сақлаш"** тугмасини босиш орқали якунланади.



- Таъминотчи профилида **“товар ва хизматлар”** бўлими орқали киритилган маҳсулот ёки хизматнинг ҳолатини текшириб олиш мумкин.

